

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ
МЕТОДОЛОГИЯСИ****Солиева Элноза Жаҳонгир қизи***Банк-молия академияси тингловчиси*

Аннотация: Мазкур илмий мақолада тижорат банкларида активларни бошқариш самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш услубиётига тўхталиб ўтилган. Шунингдек, муаллиф томонидан активларни бошқариш самарадорлигини янада ошириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари билан ҳам таништириб ўтилган.

Калит сўзлар: банк активлари, банк пассивлари, узоқ муддатли активлар, қисқа муддатли активлар, активлар рентабеллиги, маржа коэффициенти, операцион маржа

Аннотация: Данная научная статья посвящена методике расчета показателей эффективности управления активами коммерческих банков. Также автор представил научные исследования по дальнейшему повышению эффективности управления активами.

Ключевые слова: активы банка, обязательства банка, долгосрочные активы, краткосрочные активы, рентабельность активов, коэффициент маржи, операционная маржа

КИРИШ

Ривожланган индустриал мамлакатларнинг тижорат банклари активларининг даромадлилик даражаси жуда юқори бўлиб, бу ҳолат банклар ресурсларининг асосий қисмини юқори даромадли операцияларга йўналтирилади.

Лекин шуни таъкидлаш жоизки, юқори даромадли операцияларнинг риск даражаси ҳам жуда юқори бўлади.

Натижада хорижий банклар ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш йўли билан ўзларининг ликвидлилик даражасини таъминлайдилар.

Тижорат банклари фаолиятининг пировард мақсади олинадиган фойдани максималлаштиришдан иборат бўлиб, ушбу мақсадга эришиш банк активлари портфелининг сифат даражасини таъминлашни тақозо этади. Мазкур жараёнда банк активларининг сифат кўрсаткичларига эътиборни қаратиш, банк активларининг даромадлилиги ва ликвидлиги ўртасидаги оқилона нисбатни таъминлаш муҳим амалий аҳамият касб этади. Ушбу масаланинг назарда тутилган шундаки, активларнинг даромадлилиги ва ликвидлиги ўзаро тескари мазмундаги тушунчалардир.

Яъни, банк активларининг даромадлилик даражаси қанчалик юқори бўлса, уларнинг ликвидлилик даражаси шунчалик паст бўлади ва аксинча.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлари портфелининг сифатини ошириш борасида қатор муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал қилишнинг зарурлиги ушбу магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодий адабиётларда банк активларини шакллантириш ва сифатини оширишнинг назарий-концептуал асослари чуқур тадқиқ қилинган.

Иқтисодчи олим В.Усоскин ўзининг «Современный коммерческий банк: управление и операции» номли монографиясида тижорат банклари активларининг асосий турлари бўлган кредитлар ва кассали активларнинг сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор берган. В.Усоскин кредит портфелининг сифатини ошириш мақсадида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштиришни, кредит портфелини шакллантиришда диверсификация принципига қаттиқ риоя этишни таклиф қилади[1].

АҚШлик таниқли иқтисодчи олим Эдвин Дж. Долан тижорат банкларининг юқори ликвидли активларини икки гуруҳга ажратади[2].

3. Кассали активлар.

4. Иккиламчи захиралар.

К.Барлтроп ва Д.Мак Нотонлар юқори ликвидли активлар таркибига кассали активлардан ташқари тижорат банкларининг балансидаги Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталарни ҳам киритади[3].

Тижорат банклари активларининг сифатини ошириш масаласининг алоҳида назарий ва амалий жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Б.Бердияров, У.Розуқуловларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган. Масалан, Б.Бердияров ўзининг номзодлик диссертациясида активларнинг сифати улардан олинадиган даромадларнинг барқарор даражасини таъминлашда ўз ифодасини топади деб ҳисоблайди[4].

У.Розуқулов ўзининг «Анализ надёжности коммерческих банков и пути укрепления их устойчивости» мавзусидаги илмий тадқиқот ишида активлар сифатининг ёмонлашиши улар билан боғлиқ харажатларнинг ўсишида ва активлардан олинадиган даромадларни пасайиш тенденциясининг юзага келишида намоён бўлади, деб ҳисоблайди[5].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот методологиясини танлашда унинг тўғри танланганлиги жуда муҳимдир, чунки тадқиқот методологияси ҳар қандай тадқиқотда доимо асосий ўринни эгаллайди. Нотўғри танланган тадқиқот методологияси бутун ишга зарар этказиши ва тадқиқот жараёнини секинлаштириши мумкин. Методологияни танлашда биз учта асосий жиҳатга амал қиламиз: тадқиқотимиз учун энг оқилона танлов нима, маълумотларни тўплашда қандай усуллардан фойдаланмоқчимиз ва қандай амалий саволларга жавоб топишимиз

керак. Олдимизга қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, мазкур тадқиқотда эмпирик ва назарий даражадаги усуллардан, яъни индукция, дедукция, таҳлил ва синтез, кузатув усулларида фойдаланилади.

Таҳлил ва натижалар

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари активларининг сифатини баҳолашда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан тавсия этилган қўйидаги кўрсаткичлардан кенг фойдаланилмоқда.

Активларнинг даромадлилик коэффиценти (АДК). Бу кўрсаткич қўйидагича ҳисобланади:

$$АДК = \frac{\text{Солиқ тўлашгача бўлган соф фойда} \times 100 \%}{\text{Активларнинг ўртача суммаси}}$$

Кўпчилик мутахассисларнинг фикрига кўра, бу кўрсаткич банк активларининг даромадлилик даражасини нисбатан аниқроқ акс этирадиган кўрсаткич ҳисобланади. Унинг норматив 1,0 % ни ташкил этади. Агар бу коэффицентнинг ҳақиқатдаги даражаси 1,0 %дан паст бўлса, бу ҳолат банк активларининг даромадлигини оширишда сезиларли муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Соф фоиз маржаси коэффиценти (СФМК). Бу коэффицент қўйидагича ҳисобланади.

$$СФМК = \frac{(\text{фоизли даромадлар} - \text{фоизли харажатлар}) \times 100 \%}{\text{банк активларининг ўртача суммаси}}$$

Бу коэффицент тижорат банкининг жами активларининг ўртача суммасига нисбатан, соф фоизли даромад олиш қобилиятини тавсифлайди. Бу кўрсаткичнинг тижорат банклари учун амалий аҳамияти шундаки, у соф фоизли даромаднинг норматив даражасини ифодалайди, соф фоизли даромад эса тижорат банкларининг молиявий ҳолатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Соф фоиз маржаси коэффицентининг норматив даражаси 4,5 фоизни ташкил этади.

Соф фоизли спрэд коэффиценти (СФСК). Бу коэффицент қўйидагича аниқланади.

$$СФСК = \frac{\text{Олинган фоизлар} \times 100 \%}{\text{Брутто кредитлар}} - \frac{\text{Тўланган фоизлар} \times 100 \%}{\text{Фоиз тўланадиган депозитлар суммаси}}$$

Ушбу коэффицент фоиз келтирадиган активлар билан фоиз тўланадиган пасивлар ўртасидаги нисбатнинг ҳақиқатдаги даражасини кўрсатади. Жаҳон

банки эксперларининг тавсиясига кўра тижорат банкининг капитали, трансакцион депозитлар ва фойда ҳисобидан ташкил қилинган захиралар мазкур коэффиценти ҳисоблашда қўлланилмаслиги лозим.

Соф фоизли спрэд коэффицентининг норматив даражаси жаҳон банкининг экспертлари томонидан 1,25 фоиз қилиб белгиланган.

Соф операцион маржа коэффиценти (СОМК). Бу коэффицент қуйидагича ҳисобланади.

$$\text{СОМК} = \frac{\text{ДКА} + \text{ХБОТ} \times 100 \%}{\text{ЖМА}} - \frac{\text{ФХ} \times 100 \%}{\text{ЖММ}}$$

Бу ерда:

ДКА – даромад келтирадиган активлар;

ХБОТ – хизмат бўйича олинган тўловлар;

ЖМА – жами молиявий активлар;

ЖМИ – жами молиявий мажбуриятлар;

ФХ – фоизли харажатлар.

Ушбу коэффицент банкнинг операцион фаолиятидаги воситачилик функциясини бажариш натижасида оладиган даромадларининг реал даражасини кўрсатади.

Соф операцион маржа коэффицентининг норматив даражаси 6,50 фоизни ташкил қилади.

Операцион даромадлар коэффиценти (ОДК). Бу коэффицент қуйидагича ҳисобланади.

$$\text{ОДК} = \frac{\text{Операцион даромадлар суммаси} \times 100 \%}{\text{Банк активларининг ўртаси миқдори}}$$

Ушбу коэффицент тижорат банки молиявий ҳолатининг операцион фаолиятига боғлиқлик даражасини кўрсатади. Операцион даромадлар коэффицентининг норматив даражаси 1,0 фоизни ташкил этади.

Хулоса

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тижорат банк харажатларини оптималлаштириш масаласида қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- тижорат банклари учун бошқа банкдан олинган кредитлар ва жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг омонатлари юқори фоизли харажатлар бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва юридик шахсларнинг ҳисобрақамларидаги пул маблағлари энг арзон харажатлар бўлиб ҳисобланади. Мажбуриятлар таркибида талаб қилиб олингунча омонатлар салмоғининг оширилиши фоизли харажатлар ҳажми ва

салмоғининг камайишига олиб келади ва банк фойдасининг ошишига хизмат қилади;

- операцион харажатлар таркибида юқори салмоққа эга бўлган иш ҳақи харажатларини оптималлаштириш чоралари кўриб борилиши зарур. Ушбу масалада Коняевнинг иш ҳақи харажатларини оптималлаштириш бўйича қуйидаги таклифларига қўшиламиз: “Замонавий банк тизимида ходимларнинг иш ҳақи харажатлари жами банк харажатларининг 50-70 фоизини ташкил этади. Банк тизими амалиётидан келиб чиқиб, тижорат банклари ходимлар билан боғлиқ харажатларни қисқартириш мақсадида 3 та усулдан фойдаланади, яъни тенг равишда фоиздан келиб чиқиб штат бирликларини қисқартиради, ташкилий самарасизликни бартараф этади, бўлинмалар ва ходимларнинг иш самарадорлигини таҳлил қилиш натижаларига кўра қисқартиришларни амалга оширади”. Юқоридаги таклиф иш ҳақи харажатларини оптималлаштиришнинг мақбул ечими сифатида қаралиши мумкин, бироқ мазкур амаллар банкнинг умумий фаолиятига ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

6. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. – Москва: Вазар-Ферро, 1994. – С. 218-276.

7. Эдвин Дж. Долан и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. – СПб.: “Санкт-Петербург Оркестр”, 1994. – С. 90-93.

8. Барлтроп К. и МакНотон Д. Банковские учреждения в развивающихся рынках.-Всемирный банк, Вашингтон, 1993.-с. 53-54.

9. Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлилиги. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: БМА, 2002. – 19 б.

10. Розукулов У.У. Анализ надежности коммерческих банков и пути укрепления их устойчивости. Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Ташкент: БФА, 2002. – 21с.